

2025 йил 18 – 22-август кунлари давомида
Жамғарманинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан
амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

1. Тасдиқланган мониторинг ва тарғибот жадвалига мувофиқ Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли БТСЁМ ва 1-ШБКШ да мониторинг тадбирлари олиб борилди. Мониторинг тадбирлари билан бир қаторда ходимлар ва маҳалла йиғинлари фаоллари учун ПК-311-қарор мазмун-моҳияти ва давлат тиббий суғуртаси тизимининг афзалликлари тўғрисида тарғибот тадбирлари, шунингдек, ССВ нинг 14.03.2025 йилдаги 67а -сон буйруғига асосан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш тадбирлари ҳам ўтказилди. Тарғибот баёнлари ва мониторинг маълумотларни ТХСНҚБ га тақдим этилди.
2. Бўлинма томонидан ҳафта давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрланиб, Жамғарманинг Умумий бўлимига тақдим этилди.
3. Тиббиёт муассасаларида даволанган ҳолатни мис-2 тизимига киритилиш ҳолати таҳлил қилиниб (066 ва 066/1) ва хато камчиликка йўл қўйган ДПМ раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.
4. Тошкент шаҳар Ғазначилик бўлиmidан тиббиёт муассасаларининг ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағлари тўғрисидаги маълумотлар олиниб таҳлил қилинди.
5. Тиббиёт муассасаларининг коммунал хизматлар бўйича касса харажатлари тўғрисидаги маълумотлари таҳлил қилинди.
6. Тиббиёт муассасаларининг дебитор ва кредитор қарздорликлари таҳлил қилинди.
7. Тиббиёт муассасалари шартномага мувофиқ (15-5 фоиз) август ойи учун молиялаштириш ишлари амалга оширилди.
8. Тиббиёт муассасаларидан ойлик иш ҳақи сўровлари йиғиб олинди.
10. Жамғарма ижро этувчи директорининг тегишли буйруғига асосан Тиббиёт ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Н.Мирзаматов Латвия Республикасига хизмат сафарига юборилган.
11. Топшириққа асосан, жорий йилнинг 18-22 август кунларида **6413** нафар беморларга **591.7 млн сўмлик, 14016 та** рецепт расмийлаштириш ишлари амалга оширилди.
12. Бўлинма бошлиғи Б.Муминов Тошкент шаҳар ССББ нинг ВКС йиғилишида катнашиб, Тошкент шаҳрида Реимбурсация дастурини жорий қилиш бўйича 7 ойлик маълумотни тақдимот қилди.
13. Бўлинма бошлиғи Б.Мўминов "Ўзбекистон" ва "Ўзбекистон-24" радиоканаллари орқали давлат тиббий суғуртаси тизимини Тошкент шаҳрида жорий қилиш масалаларига бағишланган тўғридан-тўғри эфирга узатиш радиозащиттирувларда иштирок этди.
14. EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими орқали келиб тушган ҳужжатлар кўриб чиқилиб ижроси таъминланди.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар
ҳудудий бўлинмаси бошлиғи в.б

Б.Мўминов